

Модернистлик оқими ҳақида



13:34 / 25.09.2025 1167

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бир ҳадисларида умматлари 73 фирқага бўлинишини ва улардан фақат биттасигина нажот топишини айтганлар. Ушбу ҳадисдан мусулмон умматида бўлиниш, оқимлар юзага келиши олдинги умматларникидан кўп бўлиши таъкидланади. Дарҳақиқат, шундай бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бамисоли дунёни ёритиб турган офтоб эдилар. У зот одамлар орасида яшаб турган кезларда қалблар ҳам ўзгача эди. Анас розияллоҳу анҳу бежизга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни дафн қилиб, қўлларимизнинг чангини ҳали қоқмай туриб қалбларимизни танимай қолдик», демаган эди. Қолаверса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик чоғларида мусулмонлар ўртасида вужудга келган ҳар қандай иккиланиш, ноаниқлик ёки тойилиш бўлса, у зотнинг сўзлари билан комил ечимини топар эди. Шунинг учун ҳам бу давр башарият тарихидаги энг нурафшон замон ўлароқ «Саодат асри» дея аталиб қолган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рафиқи аълога риҳлат қилиб, мусулмонлар сони кескин ошиб, турли халқ ва элатлар Исломга киргач, мусулмонлар орасида турли фирқалар пайдо бўла бошлади. Бироқ, Аллоҳ таоло Исломни ва уни тутган ушбу умматни қиёматгача саломат сақлашни ирода қилгани учун мусулмонларнинг аксар қисми аҳли сунна ва жамоа,

яъни суннатни ушлаган ва жамоани тутган кишилар ўлароқ ҳақда собит туриб, соф Исломни сақлаб келдилар. Шунга қарамай, илоҳий ирода иймон эгалари учун яна бир синов ўлароқ Исломда турлича оқимлар чиқиб туришини ихтиёр қилган экан, сон-саноксиз фирқалар пайдо бўлиб, вақт ўтиши билан айримлари йўқолиб, янгилари чиқишда давом этиб келмоқда. Охирги асрда, хусусан, сўнги пайтларда Ғарбу Шарқда тарқаган ва тарқатилаётган оқимлардан бири модернистлик оқими бўлиб, араб тилида «ал-ҳадасаҳ» ёки «ал-ҳадасиййун» (модернистлар) деб аталади.

Кўпчилигимиз Исломдаги оқимлар ёки фирқалар деганда фақатгина динда ғулувга кетган, радикал тутумли мусулмонларни тушунадиган бўлиб қолганмиз. Аслида Исломга ғулув билан эмас, аксинча, беписандлик билан муносабатда бўлиш орқали ҳақ йўлдан, васатийликдан оққан, натижада мусулмонларнинг жумҳуридан айрилиб чиқиб, алоҳида оқимга айланган тоифалар ҳам борки, кўпчилик уларни билмайди, танимайди ва уларнинг хатарини пайқамайди ҳам. Масалан, қадимда муржиийлар оқими мўътадилликдан, ҳақ йўлдан оғиб, мусулмон оламининг бошига кўплаб ташвишлар келтирган. Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг бобокалон устози Иброҳим Наҳай раҳматуллоҳи алайҳ бежизга: «Уларнинг, яъни муржиаларнинг фитнаси ушбу уммат учун хаворижларнинг фитнасидан кўра қўрқинчлидир», дея ташвишланмаган. Зеро, улар динда беписандлик йўлини тутиб, ахлоқсизлик ва жиноятлар ботқоғига ботиб кетган эди. Шунинг учун имом Мотуридий ўз асарларида нишонга олган адашган тоифалардан бири айнан муржиалар бўлган. Бугунги кунда ана шундай усулсиз хатарли оқимлардан бири модернистлик оқими ҳисобланади.

Шуни айтиш лозимки, модернистларнинг шаҳвоний ғоялари, хитоблари башариятга янгилик эмас, қадимдан бўлиб келган, илгарги пайғамбарлар ва мусулмонларга ҳам қаратилган. Шуъайб алаҳиссаломнинг қавми шундай деган эди: «Эй Шуъайб! Намозинг сенга ота-боболаримиз ибодат қиладиган нарсаларни ёки биз мол-дунёмизда хоҳлаганимизни қилишимизни тарк этишимизни буюрмоқдами? Сен жуда ҳалим, тўғри одамсан-да» (Ҳуд сураси, 87-оят).

Демак, Қуръони Карим илоҳий амрлардан тарқаб, уларни қабул қилишга кўнмайдиган ана шундай тоифалар ва ғоялардан мусулмон умматини огоҳлантирган экан.

Модернистлик оқими мусулмон уммати учун ҳам янгилик эмас, унинг фикрлари, ёндашувлари адашган тоифаларнинг мафкураларида

илгаридан мавжуд. Масалан, уларнинг айрим қарашларини, жумладан, ақлга ҳаддан зиёд суяниш, ақлни нақлдан устун қўйиш ҳолатларини жаҳмийлар ва мўътазилаларда топиш мумкин. Бундай адашган ғояларга қарши Ислом уламолари ҳамиша кескин кураш олиб борганлар ва халқни бундан огоҳлантириб келганлар. Бироқ, сўнги асрларда жамиятни дунёвийлаштириш ғоясининг айрим жойларда чегарадан чиқиб, радикаллашуви, ташқи кучларнинг кўмаги ва тарғиботи остида модернистлик оқими ривожлантирилиб, турли жим-жимадор шиорлар билан мусулмонларнинг эътиқодига, ахлоқига, қадриятларига зарба беришга ҳаракат қилишмоқда. Бу оқим тарафдорлари билиб-билмаган ҳолда мусулмон ўлкаларни кўр-кўрона ғарблаштириш, халқларни ўз қадриятларидан узоқлаштириб, оммавий маданият гирдобига тортишда қурол вазифасини ўтаб келмоқда.

Модернистликнинг асосий ғояси – барча нарсани янгилаш, динни ҳам янгилаб, замонага тобелаштиришдир. Улар янгилашга шунчалар киришиб кетишадики, ҳатто кечаги қилганларини бугун ўзгартириб, янгича нарсага интилишади ва ўзгармас қонуниятларга айланган қадриятларга, диннинг қатъий белгиланган асосларига нисбатан ҳам шу зайлда ёндашишади. Улар барча масалада ақлга ҳаддан зиёд суяниб, фаҳмларига келган фикрни шаръийлаштиришга уринишади ва одатда нафс исканжасига тушиб қолишади.

Модернистлар одатда баландпарвоз шиорлар, ватанпарвар ғоялар, зоҳирда илмий бўлиб кўринадиган услублардан жуда устамонлик билан фойдаланишади. Улар дастлаб беҳатар, халқчил, замонга мос бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Улар ўзларининг асл эътиқодлари, мақсадлари ва ҳолларини мусулмонлар оммасидан яширишади ва ўзларини мусулмонлар учун жуда ҳам меҳрибон, бағрикенг қилиб кўрсатишга уринишади. Бироқ, бу оқимнинг хатари анави экстремист тоифаларникидан кам эмас, фақат бунинг зарарлари кўз илғамас тарзда юзага келади ва касаллик сурункали ҳолга келгандан кейин бўй кўрсатади. Кузатувларга кўра, сўнги йилларда ушбу оқим вакиллариининг Ўзбекистонга ҳам ҳужуми пайдо бўлган кўринади. Шу боис, ушбу мавзуда қисқача бўлса-да, маълумот беришни лозим топдик.

Модернистларнинг бир қатор белгилари бор. Жумладан:

1. Улар атеистлар каби динни биратўла инкор қилмайди, шунингдек, Ислом аҳкомларини қоралаб ҳам ўтирмайди. Балки, шаръий матнларни ўз раъйларига буриб, «бу матнда шариатнинг мақсади фақиҳлар айтганидек

эмас, балки бундай-бундайдир» дея даъво қилишади. Улар гўё шу пайтгача ўтган минг йиллар оша эътироф этиб келинаётган юзлаб, минглаб Ислом олимлари шариат мақсадларини тушунмагану, булар англаб қолгандек сўз суришади. Улар бу борада ғулувга кетиб, «Исломда асосий мақсад ота-онага яхшилик қилиш, зулмга қарши туриш ва ҳоказолардир, намоз, ҳижоб ва шу каби масалалар шариатда кейинчалик жорий бўлган, улар асосий масалалар эмас», дея сафсата сотишади. Шу тарзда нафслари истаган динни пайдо қилишга уринишади.

2. Қуръони Каримни маълум бир шароитга, аниқроғи, араблар шароитига туширилган, уни бошқа жой ва замонга татбиқ этиш тўғримас, дейишади. Улар ҳатто оят-ҳадисларда очиқ ва қатъий айтилган, шу пайтгача бутун Ислом уммати якдил тушуниб, тушунтириб келган масала – оилада эркак раҳбар ҳисобланишини ҳам «арабларда эркаклар фаол бўлгани учун шундай бўлган, бу уларга хос», деган иддао билан амалдан четлатишади. Шу зайлда улар Исломнинг замон ва маконга қайдланмаслик хусусиятини йўққа чиқаришади. Ҳолбуки, Қуръон, Суннат ва умматнинг ижмоъи билан Ислом дини бутун башарият учун туширилган охирги диндир, буни инкор қилиш мумкин эмас. Модернистлар сўзда Исломнинг оламшумуллигини эътироф этишса-да, амалда бунга зид йўл тутишади.

3. Салафи солиҳлар, мужтаҳид имомларга беписандлик билан қарашади ва уларнинг сўзларини шариатнинг изоҳи деб эмас, ўша олимларнинг шахсий фикри, демак бу дин эмас, Қуръон эмас, Суннат эмас, дея одамларни оят-ҳадисларга умматнинг устунлари бўлган алломалар тарафидан берилган асл маънолардан чалғитишга урунишади. Бу тоифанинг энг катта хатари ҳам шунда.

4. Қадимги уламоларга, фуқаҳоларга таъна тоши отиб, уларни айблашади, уларга нисбатан беписанд, одобсиз муносабатда бўлишади. Қўйиб берсангиз, имом Бухорий, имом Мотуридийларни ҳам шариатни тушунмаганга чиқаришади. Ислом шариатини асрлар оша сақлаб келган забардаст уламоларни «Қуръон ва ҳадисни ўз шароитларига кўра шарҳлашган», деган айблов билан обрўсизлантиришга, уларнинг диний матнларни англашдаги изоҳларини шахсий фикрга чиқаришга уринишади. Шу тариқа дунёни илмга тўлдирган, мусулмон умматининг фаҳри бўлган буюк шахсларни қадрсизлантиришади ва бу орқали мусулмонларни шонли тарихларига зарба беришга, аждодларга бўлган ишонч ва эҳтиромларини синдиришга урунишади.«Тарихсиз келажак йўқ», деганларидек, шу йўл билан мусулмонларни ўтмишларидан айришади ва натижада ўзларига

тобе қилишга киришишади.

Улар ҳатто имом Шофеий ва у киши қатори мужтаҳидларни, усул уламоларини ҳам қоралашади. Сабаби – айнан усул илми ва уламолари буларнинг қинғир мақсадлари, бетайин сафсаталари олдини тоғ бўлиб тўсиб туради. Улар ўзларича «усул илми ва олимлари Қуръон ва Суннатни тушунишни чеклаб қўйган», дея ёзғиришади. Ахир, мутахассис олимлар агар диний матнларни тушунишни тартибга солиб бермаса, керакли ҳудудни кўрсатиб бермаса, жоҳиллар динни барбод қилиши, одамларни адаштириши турган гап-ку. Балки улар айнан шу натижани ўз олдиларига мақсад қилиб олгандир?

5. Уларда усул, яъни оят-ҳадисни англаш қонуниятлари бўлмайди, бўлса ҳам, усулсиз усул бўлади ва уларнинг бу усуллари бирорта ҳам мўътабар олим эътироф этмайди. Сабаби – уларда тайинли манҳаж ўзи йўқ бўлгани учун усуллари бир тизимга тушмайди ва барча ҳукмларни қамрай олмайди.

6. Анъанавий дин олимларини Қуръон ва Суннатни яхши англамасликда, матнга ёпишиб олишда айблашади. Уларга кўра, саҳобаю тобеинлар ва асрлар оша ўтган минглаган олимлар ҳам Қуръонни етарлича тушунмаган, англамаган экан. Баъзан уларнинг фикрлари устидан очиқчасига кулишади. Шу тариқа улар ўзларининг сохта «дин»ларини тикиштиришга ҳаракат қилишади. «Ислом инновацион дин», «Исломнинг моҳиятини англаш керак» деганга ўхшаш жим-жимадор сўзлар билан илмсиз кишиларни алдаб, ҳақиқий Исломдан ғарбча ясама «ислом» томон буришади. Бунинг учун оят ва ҳадисларни ўз раъйларига мослашга урунишади, диний матнларни минг йиллик шарҳу амали бир четда қолиб, ўз хоҳишларига кўра талқин қилишади. Афсуски, кўпчилик уларнинг бу каби фаолиятларини тушуна олмайди.

7. Айрим саҳиҳ ҳадисларга оҳод ёки заиф деган даъво билан ишончсизлик билдиришади. Ҳатто «Саҳиҳул Бухорий»даги ҳадисларни ҳам исроилиёт, яъни аҳли китобларнинг ривояти дея пастга уришади. Ҳолбуки, оҳод ва ҳатто заиф ҳадисларга ҳам ўрни билан амал қилинишини барча олимлар бирдек таъкидлайдилар.

8. Ислом шариатида енгиллик, эркинлик, бағрикенглик тушунчаларини суистеъмол қилишади, шариат қаттиқ олган масалаларга ҳам енгил қарашади. Шу зайлда ҳалол-ҳаромни, фарзу мубоҳни аралаштириб, бир мартабага олиб келишади.

9. Улар биринчи бўлиб муҳокама қиладиган, кўтарадиган масала аёлларга боғлиқ бўлади. Масалан, аёлларнинг сатри аврати, ҳижоби, оиладаги ўрни ва эркак-аёлларни бир хиллаштириш, феминизмни қўллаб-қувватлаш масалалари каби. Улар бу билан жамиятнинг нозик тарафига зарба бериш, бўшроқ, таъсирчан қисмидан кириб боришни назарда тутишади.

Булар барчаси қуруқ даъволар бўлиб, бир тийинлик қиймати йўқ, илмий ва тарихий ҳақиқатларга очиқ зиддир.

Бу тоифа кишилар ичида бир нечта университетларни тугатган, турли мавзуларда докторлик ёқлаган кишилар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, йўллари манҳажсиз бўлгани учун сўзлари ўзаро зиддиятларга тўлиб, ўзлари ҳам гангиб юришади.

Ҳадосийларнинг жамият учун хатарлари талайгина. Айримларини эслаб ўтиш жоиз:

1. Мусулмон халқларни ўз ўтмишига бўлган ишончига путур етказишади. Бу билан жамиятда ғоявий бўшлиқ ҳосил қилинади. Кейин бу бўшлиқни сохта эътиқодлар билан тўлдиришга уринишади. Халқни ўз тарихидан айириб, бошқаларга қарам бўлишга маҳкум этилади.

2. Мусулмонларнинг минг йиллик қадриятларига беписандлик қилиш оқибатида одамлар ўртасида низо ва жанжаллар келтириб чиқаришади. Улар бор жойда доимо жамият пароканда бўлади. Чунки уларнинг услублари соф табиатга, нафақат диний, балки инсоний қадриятларга ҳам зид. Шу боис, ўзлигини асраган қатлам билан уларнинг ўртасида ҳамisha зиддият келиб чиқаверади.

3. Шариат аҳкомларидан маълумларини, айрим ҳадисларни шубҳа остига олгач, яъни дин биносининг битта ғиштини бузгач, қолганига дарз кетиши табиий. Шу зайлда динни асталик билан нуратгандан кейин жамиятда диннинг мавқеи буткул йўқолади. Бошқача қилиб айтганда, улар диннинг ўқ томирларига зимдан зарба бериш орқали уни фалаж ҳолга келтиришга уринишади. Бунда кўринишда диннинг жасади тураверади, аммо энди у ўз вазифасини бажармайдиган ҳайкалга айланган бўлади. Оқибатда жамиятни дин билан тарбиялаш ва бошқаришга имконият қолмайди, бирор нимадан қўрқитиш, огоҳлантириш, бирор яхшиликка тарғиб қилиш йўққа чиқади. Бу эса жиноятлар ортишига, бузуқлик оммалашишига, натижада ҳозирда айрим давлатларда бўлиб турганидек, аҳолининг қирилишига олиб келади.

4. Тажрибалар шуни кўрсатадики, диннинг талаб ва қайтариқлари йўқолаёзгач, бунга қарши равишда радикал диндорлик вужудга келади ва экстремистик, террористик оқимлар пайдо бўлишига замин яратилади.

Дин таъқиқ ва буйруқлари билан жозибали. Инсоннинг соф табиати ана шундай диндан қаноатланади. Ислом шариатидаги буйруқ ва таъқиқлар аслида мўътадилдир. Уларни йўққа чиқаргач, инсонлар диндан қаноат қилмай қолади ва энди ўзбошимчалик билан динда ғулувга кетиш урчийди.

5. Модернистларнинг ташвиқоти бориб-бориб фаҳш ва бузуқликларни ёқлашгача етиб бориши ҳам мумкин. Ҳатто бир жинсли никоҳни ёқлаб чиқадиганлари ҳам топилади. Бу ҳолат эса мусулмон жамиятни халок қилиши тайин.

Очиғини айтганда, кўпчилик, хусусан, дунёвий ёки замонавий давлат намояндалари ва тарафдорлари баъзан модернистларнинг шиорлари, даъволарига маҳлиё бўлиб, айрим фикрларини маъқуллаб қолишади ва уларни замонавий дунё, замонавий мусулмон жамиятлар учун диний жиҳатдан мақбул деб ўйлашади. Бироқ, бу қараш ўзини оқламаган ва бундан кейин ҳам оқламайди. Чунки модернистларнинг йўналишлари баъзи бир муаммоларга ечимдек кўринса-да, ҳеч қачон кўзланган мақсадга эриштира олмайди, гоҳида аксинча натижа беради. Зеро, улар тақдим қилган мафкура тўлақонли дин бўла олмагани боис одамларнинг, хусусан, мусулмонларнинг диний талабларини қондира олмайди. Минг йиллар оша синовларда тобланган, метин асосларга эга шаръий тамойилларни бузиб қўйиб, кейин ўрнига бошқа бирор асосли манҳаж келтира олмай, халқни пароканда ҳолга солишади. Устига-устак жамиятда диний омиллар ўз вазифасини бажармаслиги оқибатида ахлоқсизлик, бебошлиklar келиб чиқади. Бу ҳол эса динда радикал гуруҳларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Аслини олганда замонавий дунёда замонавий жамият яратиш учун ёки замонавий жамият осудалиги учун қандайдир янгича «дин» пайдо қилиш шарт эмас, балки Исломни тўғри англаб, тўғри татбиқ этса, мўътадил йўлни тутса кифоя.

Айтиш жоизки, биз бу ерда ушбу мавзуда қисқача тўхталдик, холос, тафсилотларга киришмадик. Умид қиламизки, бошқа аҳли илмларимиз ҳам вақт ажратиб, бу мавзуни тўлиқроқ ёритиб берадилар. Аллоҳ насиб қилса, бу мавзуда яна сўз юритамиз. Жумладан, Исломда янгиланиш,

замонавийлик қандай бўлиши ҳақида ҳам тўхталамиз.

Хулоса қилиб айтганда, модернистлик оқими жуда ҳам хатарли, кўпинча геосиёсий кучлар таъсири остида бўлиб, ўз табиатига кўра радикал кўринишларга ҳам эга. Бу тоифанинг фаолияти жуда кўп мамлакатларда давлат тўнтариш, тартибсизлик келтириб чиқаришгача етиб борган. Уларга жуда ҳам ҳушёр қараш керак, бузуқ фикрлардан узоқ бўлиш, халқни асраш, жуда ҳам эҳтиёт бўлиш лозим ва уларга қарши ўлароқ илмий савияни кўтариш даркор.

Модернистларга қўйиб берсангиз, Исломнинг барча асосларини барбод қилиб, ўзлари қадрият деб билган, аниқроғи, Ғарб мафкураси маъқуллаган ғояларни бирламчи масалалар деб урғулашади. Одам алаҳиссаломдан бери барча самовий динлар, хусусан, Исломнинг асосий тамойиллари ҳисобланган намоз, сатри аврат, маҳрам-номаҳрам, ҳалол-ҳаром масалаларини қуйи даражага тушириб, Қуръондан кейинги энг ишончли китоб ҳисобланган «Саҳиҳул Бухорий»даги билиттифоқ саҳиҳ ҳадисларни исроилиёт ривоятига чиқаришгача боришади. Улар шу зайлда куфрга кетиб қолаётганларини ҳам сезмай қолишади. Шу боис, уларнинг қанча илм даргоҳини тугатганию, қанчали машҳур бўлиши ҳеч нарсани ҳал қилмайди, бундай зоҳирий омилларга алданиб қолмаслик керак.

Охирги сўз сифатида Имом Муслим ўз «Саҳиҳ»ида ривоят қилган ушбу ҳадиси шарифни эслашни лозим топдик:

«Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Охир замонда дажжол каззоблар бўлади. Улар сизларга сизлар ҳам, оталарингиз ҳам эшитмаган гапларни айтишади. Улардан сақланинглар, сизларни адаштириб, фитнага солиб қўйишмасин!»**

Аллоҳ таоло барчамизни тўғри йўлда собиқ айласин, адаштирмасин.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 22 июлдаги 03-07/4389-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.